БАДИИЙ АДЕКВАТЛИК ВА ИЛМИЙ АНИҚЛИК

К.Ж. Жўраев, М.Т. Аҳмедова

Таржима назариясида ўгирилаётган матнга аниқлик киритиш ва унга мавҳум тус бериш каби ҳолатлар борки, улар бадиий таржиманинг тўлақонли чиқишига хизмат қилади. Мақолада таржима жараёнидаги айни шу ҳолатлар ёритилади.

***Калит сўзлар**: қўшиш, олиб ташлаш, ўзгартириш, аниқликлаштириш, генерализация.*

В теории перевода существуют понятия "лексическая трансформация" и "приёмы создания контекстуальных замен", без которых невозможен адекватный перевод. В настоящей статье освещена их роль в прцессе данной деятельности.

***Ключевые слова**: добавление, опущение, замена, конкретизация, генерализация.*

There are concepts dealing with lexical transformations and ways of creation of contextual replacement in the theory of translation which are necessary in reaching adequate translation. The author looks through his own views.

***Key words:** addition, omission, replacement, specification, generalization, adequacy, antonimic translation, compensation, semantic development, complete reconsideration.*

Таржима иши шундай жараёнки, бу юмуш, кўпчилик ўйлаганидек, ҳамма тил билган одамларнинг қўлидан келавермайди. Матнни иккинчи тилда аслидагидай тенг қийматли тарзда тиклаш учун баъзан таржимага бирор нарса *қўшиш* (инглиз таржимашунослигида буни *addition* дейишади) ёки аслиятда бор нарсани таржимага *киритмаслик* (*omission*), ё бўлмаса аслий матндаги фикрни *ўзгартириб* бериш (*change*) керак бўлади. Таржимачилик сиру асроридан бехабар китобхон бу гапларни ўқиб, "Нега энди таржимон аслий матн муаллифининг ишига аралашади, нега ёзувчи бермаган ахборотни ўзи тўқиб, таржимага киритади?" деган ҳақли савол бериши мумкин. Тўғриси ҳам шундай. Таржимон аслий матн муаллифи фикрини тўла тиклаши лозим. Бу жараён эса анча мураккаб. Таржиманинг талаб даражасида мукаммал чиқиши учун (бу фикр қанчалик ғайритабиий кўринмасин) таржимон аслият муаллифи ижодига аралашишга мажбур. Бу – *парадокс,* мажбурлик ҳолати таржима назарияси ва амалиёти соҳасида кўзга кўринган олиму мутахассислар томонидан тан олинган.

Ҳозир ана шу ғайритабиий кўринган ҳолатлардан бири – аслий матндаги мавҳумликни аниқлик киритиш йўли билан ифодалаш усули ҳақида фикр юритамиз.

Таржима матнига аниқлик киритиш (рус таржимашунослигида *конкретизация,* инглизларда *refining* дейилади) аслий матн тилидаги кенг маъноли сўзни матн вазиятидан келиб чиққан ҳолда таржима тилидагига мос тор маъноли, аммо латиф ва анча бежирим сўз билан алмаштиришни тақозо этади. Бу *генерализация* ҳодисасининг акси. Генерализацияда тор маънога эга сўз кенг маъноли сўз билан ўгирилади. Масалан: *Dark spruce forest, frowned on either side the frozen waterway* [4. 99] гапи рус тилида – *Темный сосновый лес стоял, нахмурившись, по обоим берегам скованной льдом реки* [5.5] – деб таржима қилинган, худди шу гапни таржимон Олим Отахон ўзбек тилига мана бундай таржима қилган – *Музлаган дарёнинг иккала қирғоғи бўйлаб чўзилиб кетган ўрмон юракларга қўрқув солгудек ваҳимали кўринарди* [6.6]. Бу ерда инглиз тилидаги *"frowned"* сўзини рус тилига таржима қилингандек *"нахмурившись"*, яъни оддийгина қилиб *"хўмрайиб турган эди"* деб таржима қилиш ноўрин бўлар эди. Чунки *"frown" – "қоши чимирилиб турган"* ёки *"хўмрайиб турган"* деган маънони ифодалайди. Шунинг учун бу иборани генерализация йўли билан *"юракларга қўрқув солгудек ваҳимали кўринарди"* деб таржима қилиш *"хўмрайиб турарди"* иборасига қараганда кенг маънога эга. Бу таржимада яна *олиб ташлаш* (рус тилида бу *опущение*, инглиз тилида omision дейилади) усулидан ҳам фойдаланилган. *"Spruce forest"* иборасини рус тилида аниқлаштирилиб *"сосновый лес"* деб берилган, ўзбек тилида фақат *"ўрмонни"* ифодаловчи бу сўз таъсирчанликни кучайтириш учун яна *"чўзилиб кетган"* сифат кўрсаткичини ҳам олган.

Яна бир мисол: *The forest had been stripped by a recent wind of their white covering of frost and they seemed to lean towards each other, black and ominous, in the fading light* [4.99]. Бу гап рус тилида мана бундай берилади: *Недавно пронесшийся ветер сорвал с деревьев белый покров инея, и они, черные, зловещие, клонились друг к другу в надвигающихся сумерках* [5.5]. Олим Отахон буни – *Ҳализамон кўтарилган шамол қорақайрағайлар шохига инган қор чойшабини юлқиб отган, энди бу шумшук дарахтлар яқинлашиб келаётган оқшом қўйнида*

бир-бирига чирмашиб олган, борлиқ ўлик бир сукунат оғушида жунжикиб туради [6.6] – деб ўгирган. Таржимада инглизча *“seem” – “туюлмоқ”* феълнинг маъноси чиқмаган. Яна бир мисол: *It was a stuff pull, but their weariness fell from them as they crouched low to the snow, whining with eagerness and gladness as they struggled upward to the last ounce of effort in their bodies. Тик қояли қирғоққа олиб чиқиш осон бўлмади, аммо итлар бутун чарчоқни унутиб, бағрини қорга берганча, бетоқатлик билан ва шод акиллашиб, бор кучи билан [жон-жаҳди билан] юқорига интилдилар*, дейилади матнда. Бу ердаги *the last ounce of effort in their bodies* иборасининг маъноси ўзбек тилидаги *бор кучи билан* муқобил бирикмасининг маъносига қараганда анча тор.

Инглиз тилида ахборотни аниқ ифодалаб бериш учун сонлардан кўп фойдаланилади. Рус ва ўзбек тилларида узунлик ва оғирлик ўлчовлари – *дюйм* ва *унция*ни аслиятдагидек (1 дюйм = 2.54 см., 1 унция = 28,350 г.) бериладиган бўлса, бу харфхўрликка олиб келади ва тилларнинг услуб меъёрларини барбод қилади. Шунинг учун бундай ҳолатларда *генерализация* усули қўлланади.

Масалан: *There was food in plenty.The bull weighed over eight hundred pounds – fully twenty pounds of meat per mouth for the forty – odd wolves of the pack* [4.126]. Бу аслиятда берилган ҳолат, русча таржима унга анча яқин. “*Еды было вдоволь. Лось весил свыше восьмисот фунтов – по двадцати фунтов на каждую вольчю глотку* [5.32]. Ўзбекча таржимада оғирлик ўлчовлари бошқача кўринади: “*Буғи гўшти бисёр эди. Унинг вазни салкам ярим тонна бўлиб, ҳар бир бўрига тахминан 25 килодан эт тўғри келарди* [6. 29].

“Ўзбекча таржимада “*тахминан”* деб берилса-да, ўлчов бирлиги анча ноаниқ – 800 фунт 363 килога тенг бўлади, таржимон буни “салкам ярим тонна” деб беради, ҳолбуки бу ўлчов бирлиги 500 килодан анча кам, яна 40 та бўри ҳақидаги маълумот тушиб қолдирилган ва ниҳоят, тахминан 40 та бўрига 25 килодан эмас, 9 килога тўғри келади.

Инглиз тилида кенг маънога эга от, сифат ва феъллар анчагина. Масалан, *thing, point, stiff; nice, fine, bad; to say, to go, to come, to get.* Улар, одатда, аниқ маъно касб этувчи сўзлар бўлиб, нутқ ва ҳаракат феъллари билан ўгирилади.

Инглиз тилидаги *to die* феъли рус тилидаги *умирать,* ўзбек тилидаги *ўлмоқ* феълларига қараганда анча кенг маъноли. Шунинг учун у таржимада аниқлик киритишни талаб қилади. Масалан, So far 65 people *have died* in floods ↔ по имеющимся данным, во время наводнения 65 человек *утонуло (погибло)* ↔ маълумотларга кўра, сув тошқинида 65 киши *чўкиб кетган (ҳалок бўлган)* деб ўгириш мумкин.

Мавҳум отга мансуб ҳолатлар ҳам аниқлик киритишни талаб қилади. Масалан, ҳозир кўпчилик тилларда *президентлик* сўзи бўлса ҳам, инглиз тилидаги *presidency* сўзига *президент лавозими* ёки *президент вазифаси* муқобил саналади: *An ageing speaker cannot take on burdens of the presidency ↔ Престарелый спикер не может взять на себя бремя президентской власти ↔ Кекса парламент раиси ўз зиммасига президент вазифасини юклай олмайди.*

Инглизча умумий маънога эга *child* оти рус ва ўзбек тилларидаги *бола* сўзига қараганда кўп ишлатилади. Шунинг учун у таржимада *мальчик* ёки *девочка* (*ўғил* ёки *қиз*), *сын* ёки *дочь* (*ўғли* ёки *қизи*) деб аниқлик олади: *No on knew with what passionate emotion she loved this child ↔ Никто не знал, как страстно она любила своего сына ↔ Унинг ўғлини бунчалик қаттиқ севишини ҳеч ким билмас эди.*

Инглиз тилидаги фармойиш, буйруқ ва бошқа кенг маънода қўлланадиган қолип сўзлар ҳам таржимада аниқлик талаб қилади: Never drink unboiled water ↔ Не пейте сырой воды ↔ қайнамаган сувни ичманг; no smoking ↔ курить воспрещается ↔ чекилмасин; commit no nuisance ↔ останавливаться воспрещается ↔ тўхташ ман этилади ва бошқалар.

Рамзий тимсолларга бой ўзбек мумтоз адабиётида мўл истифода этиладиган образлар ва сўзлар ҳам рус тилига ўгирилган таржималарда аниқлик киритишни талаб қилади. Буни С.Липкиннинг Навоийдан қилган таржималари мисолида кўриб ўтамиз.

1. Сўрдиким: ”*Маҳваш* қаён кетмиш?”
   Бехабарким не шаҳ кор эрмиш [1.54].

   Опохмелившись, он спросил: ”Куда
   Исчезла *утра моего звезда?*” [2.63].

   Спросил, опохмелившись, царь царей:
   “Где та луна, что мне всего милей?” [3.63].

2. Кўнглига айлади сафарни жазм,
   Айламак *қудс* дашти сори азм.

   Ё не матлаб эрур анга етмак,
   Ё талаб ичра тарки жон этмак.[1. 54]

   Мысль зажглась решением таким:
   Отправиться скорей в *Ерусалим* [2. 63]

   Идти, искать, чтобы в конце пути
   Любовь или погибель обрести! [3. 63]

Биринчи мисолдаги *маҳваш* – истиора, у ҳозирги ўзбек тилида *ойга ўхшаган, ойдай гўзал*

маъноларини билдиради. Семен Липкин достоннинг биринчи таржимасида *маҳвашни Венера* сўзи билан алмаштириши мумкин бўлса ҳам, ўзгача йўл тутиб, Зуҳроюлдуз – *утренняя звезда* – *тонг юлдузи* деб аниқлаштириб таржима қилган. Иккинчи мисолнинг *қудс дашти* иборасидаги *қудс* сўзи Навоий асарлари изоҳли луғатида *муқаддас, пок, покиза* деб таърифланган бўлишига қарамай, таржимон уни *Ерусалим* тарзида ўгирган. Ва тўғри қилган. Чунки Алишер Навоий бу байтда 624 йилгача мусулмонлар жамоасига қибла саналган ал-Масжид ал-Ақсо жойлашган Қуддусни назарда тутган. Таржимон аслият муаллифининг фикрини ўқий олган.

Шу йўсинда таржимон аслий матнни ўз она тилига ўгирар экан, ҳар икки асарнинг ўзаро муқобиллигини таъминлаш учун барча – матнга қўшимча қилиш ёки уни қисқартириш (компрессия ва декомпрессия), аниқ маънога мавҳум тус бериш ёки, аксинча, абстракт тушунчани конкретлаштириш (генерализация ва конкретизация) каби – воситаларни ишга солади. Бу усулларнинг бари мукаммал (адекват) таржима яратиш йўлидаги уринишлардан саналади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти. – 1965. – Б.54.
2. Алишер Навои. Семь планет. – Т.: Госиздат, 1948.– С.63.
3. Алишер Навои. Семь планет. // Соч. В 10-ти томах. Т.6.– Т.: Фан, 1968. – С.63.
4. Jack London. White Fang. Moscow, Progress Publishers. – 1971. – pp 99, 126.
5. Джек Лондон. Белый клык. – Т.: Шарк. – 2008. – С.5, 32
6. Jek London. Oq so'yloq.- T., 2010.- B. 6, 29.

Андижон давлат университети
2015 йил 3 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Абдувалиев)